



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2011 йил 21 декабрь, № 246 (5413)

Чоршанба

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ОДКБ ВА МДХ САММИТЛАРИДА ИШТИРОК ЭТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 20 декабрь куни Москва шаҳрида бўлиб ўтган Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги олий органларининг сессияларида иштирок этди.



ОДКБ Коллектив хавфсизлик кенгашининг навбатдаги мажлиси Кремлда давлат раҳбарларининг тор доирадаги учрашуви билан бошланди. Шундан сўнг аъзо мамлакатлар расмий делегациялари иштирокида кенгайтирилган таркибдаги мажлис бўлиб ўтди.

Президент Ислон Каримов ўз нутқида Ўзбекистон нуктаи назарида кўра, принципиал аҳамиятга молик масалаларга тўхталди.

1992 йилда имзоланган Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартнома унда иштирок этаётган давлатларнинг суверенитетини сақлашни таъминлашга қаратилган ўзининг асосий вази фасини муносив

бажариб келмоқда. ОДКБ томонидан Шартномани мустаҳкамлаш ва уни бугунги геосиёсий вазиятга мослаштириш бўйича амалга оширилган чоралар ҳарбий-сиёсий ҳамкорликни фаоллаштириш ва коллектив хавфсизликнинг самарали тизимини шакллантиришга қаратилган янги таҳдид ҳамда хатарларга қарши курашиш имконини берди.

2002 йилда ташкил этилган Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти аъзо мамлакатлар ҳамкорлигини сиёсат жиҳатдан янги босқичга кўтарди. Ташкилотнинг фаолият йўналишлари кенгайтириш, терроризм, гиёҳванд моддалар ва курол-

яронинг ноқонуний савдосига, уюшган транснационал мажбуриятларга қарши курашиш, фавқулодда ҳолатларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш ва бошқа йўналишларни қамраб олган.

ОДКБга аъзо давлатлар ўзлари масъул бўлган ҳудудда барқарорликни таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Мажлис якуни бўйича ОДКБга аъзо давлатлар раҳбарларининг Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартноманинг 20 йиллиги ва Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилотининг 10 йиллиги муносабати билан баёноти қабул қилинди, қатор ҳужжатлар имзоланди.

Шу куни МДХ Давлат раҳбарлари кенгашининг ҳам мажлиси бўлди.

Ўзбекистон Президенти ўз нутқида МДХ ва унинг таркибидagi институтларнинг ўтган 20 йил давомидаги фаолиятини батафсил таҳлил қилар экан, кескин тарихий бурилиш палласида ўз умрини яшаб бўлган тизимни тинч йўл билан тугатишда ушбу тузилма муҳим ўрин тутганини таъкидлади. Ўзбекистон Ҳамдўстлик ташкил топган вақтдан бошлаб, унинг амалий ҳаракатларни бирлаштирадиган ва янги шаклдаги кўп томонлама ҳамкорлик учун ишончли платформага айланишини мунтазам ёқлаб келмоқда.

Мажлисида Ислон Каримов Ҳамдўстлик унга аъзо мамлакатлар халқларининг манфаатлари ва фаровонлиги йўлида кўп томонлама ҳамкорлик учун ишончли платформа яратишдан бирдек манфаатдор бўлган суверен давлатларнинг бирлашмаси эканини таъкидлади.

Ҳамдўстлик 20 йиллик фаолияти мобайнида ўз ваколатлари бўйича зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш юзасидан кўплаб хайрли ишларни амалга оширди ва оширмоқда. Ўзбекистон раҳбари МДХ тузилмадаги собиқ иттифок ҳудудида кўплаб муҳим ҳаётий йўналишларда, авваламбор, савдо-иқтисодий муносабатларни, коммуникация ва транспорт соҳасидаги алоқаларни янада ривожлантириш, хавфсизликни таъминлаш ва гуманитар соҳалар каби устувор йўналишларда ҳамкорликни ривожлантириш бўйича қандай имкониятларга эга бўлишимиз мумкинлигини тасаввур қилишнинг ўзи мушкул эканини қайд этди.

Ўзбекистон томони, айрим параллел интеграцион жараёнларга қарамай, МДХнинг келажагига ишонч билдирди. Ҳамдўстлик кўп қиррали умумий ҳамкорликнинг мувофиқлаштирувчиси бўлиши, шунингдек, белисита мулоқотлар ҳамда давлатлараро мунтазам алоқалар, шу жумладан, МДХ доирасидаги икки томонлама учрашувлар, мамлакатлар ва тегишли тузилмалар раҳбарлари даражасидаги музокаралар учун платформа ёки форум бўлиб қолиши мумкин ва зарур.

Сўнгги йилларда собиқ иттифок ҳудудида интеграцияга оид янги ташаббус ва таклифлар илгари сурилмоқда, давлатлараро турли тузилма ва иттифокларни шакллантириш жараёнлари давом этмоқда.

Ўзбекистон ўзининг бу масаладаги ёндашуви ва сиёсатини биринчи навбатда узоқ муддатли миллий манфаатлари асосида, мамлакатни модернизация қилиш бўйича амалга оширилаётган устувор йўналишлар, шунингдек, амалдаги миллий қонунчилик ва қабул қилинган халқаро мажбуриятларида келиб чиқиб белгилайди.

МДХ фаолиятининг самарадорлиги унинг доирасида амалга оширилаётган лойиҳалар ҳамда фаолият йўналишларининг истисносиз барча аъзо мамлакатлар манфаатларига, бутун Ҳамдўстлик ҳудудида барқарор тарққийётни таъминлаш, хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш борасидаги долзарб мақсад ва вазифаларга нечоғли мос келишига боғлиқ экани таъкидланди.

МДХга аъзо давлатлар раҳбарлари ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш истиқболларига оид ҳамда минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

ОДКБ Коллектив хавфсизлик кенгаши ва МДХ Давлат раҳбарлари кенгаши мажлислари якунлари бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

(Ў.А.)
Сарвар ЎРМОНОВ
олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 19 йиллиги муносабати билан хорижий мамлакатлар сиёсий, илмий-академик ва ишбилармон доиралари вакиллари республикамиз Асосий Қонунининг давлатимиз, халқимиз фаровонлигини оширишдаги, шунингдек, суверен Ўзбекистон қўлга киритган муваффақиятлардаги ўрни ва аҳамияти тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашмоқдалар.

КОНСТИТУЦИЯ — БАРҚАРОРЛИК ВА ГУЛЛАБ-ЯШНАШНИНГ АСОСИ

Жумладан, **Ж. Неру номидagi университет Халқаро тадқиқотлар марказининг Ўрта Осиё мамлакатлари ва Россияни ўрганиш дастурлари раҳбари Аджай Патнаик** қайд этганидек, ҳар бир давлатнинг Конституцияси ўша давлат тараққиётининг йўлини белгилаб берадиган ҳужжатлардан бири ҳисобланади. "Ўзбекистон Конституцияси

намоиш қилади. Ўзбекистоннинг демократик йўлини белгилаган ва бу йўл қонун устуворлиги ҳамда инсон манфаатларининг ҳимоя қилинишига асослангандир. Замонавий Ўзбекистонда Асосий Қонун ислохотларнинг миллий моделини муваффақиятли равишда ҳаётга татбиқ этиш ва мамлакатни модернизациялаш учун мустаҳкам ҳуқуқий замин эканлиги таъминланмоқдаки, бунинг шарофати билан республика ўзининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий-гуманитар ривожланишида эътиборга сазовор натижаларга эришмоқда", деди хинд олими.

Ж. Неру номидagi университет профессори Раджан Кумар Ўзбекистон мустақил тараққиёт йилла-

рида иқтисодий ўсишнинг барқарор кўрсаткичларига мушарраф бўлаётгани ва бунинг мантиқий натижаси сифатида аҳоли турмуш даражаси узлуksиз равишда юксалиб бораётганини таъкидлади. Р. Кумарнинг фикрича, "Мазкур муваффақиятлар мамлакат Конституциясидаги пухта ўйланган меъёр, қоида ҳамда тамонан йиллар самарадорлигини

намоиш қилади. Ўзбекистоннинг демократик йўлини белгилаган ва бу йўл қонун устуворлиги ҳамда инсон манфаатларининг ҳимоя қилинишига асослангандир. Замонавий Ўзбекистонда Асосий Қонун ислохотларнинг миллий моделини муваффақиятли равишда ҳаётга татбиқ этиш ва мамлакатни модернизациялаш учун мустаҳкам ҳуқуқий замин эканлиги таъминланмоқдаки, бунинг шарофати билан республика ўзининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий-гуманитар ривожланишида эътиборга сазовор натижаларга эришмоқда", деди хинд олими.

(Давоми 2-бетда).

ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ

ЮКСАЛИШ ОМИЛИ

Президент Ислон Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимда маърузада "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастури доирасида мамлакатимизда амалга оширилган ишларнинг энг муҳим натижаларига алоҳида эътибор қаратди.

Маълумки, бизда 1997 йилдан бошлаб ҳар бир йилга ном бериш хайрли анъанага, миллий моделининг ажралмас қисмига айланиб қолди. Махсус Давлат дастурлари қабул қилиниши орқали кенг қамровли тадбир-

масаласи мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб давлат сиёсатининг устувор вазифаси сифатида танланди. Бу сиёсатни амалга ошириш натижасида қисқа вақт ичида мамлакатимиз иқтисодиётида чуқур институционал ва таркибий ўзгаришлар содир бўлди. Ушбу соҳа республикамиз иқтисодиётида етакчи ўрин эгаллади. Энг муҳими, жамиятнинг янги — ўрта мулқдорлар синфи шаклланишида ҳал қилувчи роль ўйнади.

Дарҳақиқат, шу йилнинг январь — сентябрь ойларида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида инфратузилмани ривожлантириш мақсадида 4 мингдан ортиқ янги чакана савдо ва умумий овқатланиш корхоналари ташкил этилди. Шундан 2551 чакана савдо ва 300 та умумий овқатланиш объекти қишлоқ жойларда ишга туширилди. Бу, ўз навбатида, чекка ҳудудларда ҳам хизмат кўрсатиш ҳажми жадал суръатда ошишини таъминлади.

Маърузида айнан шу йўлни танлаганимиз ва мамлакатимизда бу соҳани барқарор иқтисодий ўсишига эришиш ҳамда тез ўсиб бораётган аҳолиимизни иш билан таъминлаш ҳисобига унинг даромадларини оширишдаги аҳамияти ва роли аниқ далиллар асосида очиб берилди.

(Давоми 2-бетда).

Темир йўл тизими:

ИСЛОҲОТ ВА САМАРА

Темир йўли бежиз иқтисодиётнинг қон томирига менгашмайди. Чунки мазкур тизим тараққиёти ҳар бир мамлакатнинг юксалишидан, бу ерда истиқомат қилаётган аҳоли турмуши фаровонлигидан дарак беради.

Таъкидлаш керакки, юртимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб транспорт-коммуникация, хусусан, темир йўл тармоғини ривожлантириш, йўловчи ва юк ташишда хизмат кўрсатишни тубдан яхшилашга катта эътибор қаратилмоқда. Натижада эндиликда республикамиз темир йўли юқори технологияларга асосланган замонавий транспорт тизимига айланди.

Жараён

июль ойида "Ўзбекистон темир йўллари" ва Испаниянинг "Patentes Talgo S.L." компаниялари ўртасида ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш бўйича меморандум имзоланиб, унга қўра, мазкур давлатдан юқори тезликда ҳаракатланувчи иккита электропоезд харид қилишга келишиб олинди.

Хавфсиз ва кафолатли хизмат кўрсатиш темир йўл тизимининг энг асосий қоидаларидан ҳисобланади. Мазкур лойиҳани бажарилишида ушбу тамойилга қатъий амал қилиниб, "Тошкент — Самарқанд" йўналишидаги йўлларни электропоезд ҳаракатига мослаштириш ишлари олиб борилди. Бунинг учун "Тоштемирйўллойиха", "Боштранслоийиха", Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институти ҳамда

(Давоми 2-бетда).

Бир рақам шарҳи

Чакана савдо айланмаси кўпаймоқда

2011 йилнинг тўққиз ойи давомида мамлакатимизда чакана савдо айланмаси ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан

16,2
фоизга ўсди.

(Давоми 2-бетда).

Мамлакатимизда муқобил энергия ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ва ундан оқилона фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки республикамизда бундай энергиянинг барча турлари, айниқса, қуёш ва шамол энергияси ҳосил қилиш борасида табиий имкониятлар ниҳоятда юқори.

ИСТИҚБОЛЛИ МУҚОБИЛ ЁҚИЛГИ

Ўлкамизда йилнинг 300 дан ортиқ куни қуёшли эканлиги, кўплаб ҳудудларимизда кучли шамол йўналишлари мавжудлиги бунинг яққол далилидир.

Ўзбекистон экологик ҳаракати ташаббуси билан жорий йилда Му-

ларида шамол ва қуёш электр қурилмалари ўрнатилиши натижасида қишлоқ аҳолиси муқобил электр энергия манбаига эга бўлди. Бундан нафақат хонадонларни ёритиш, балки ер ости сувини чиқариш, интенсив боғларни томчилатиб сугоришда кенг фойдаланилмоқда.

Уюшма қошида тегишли ташкилотлар билан биргаликда тузилган илмий-техникавий Кенгаш йиғилишида шулар ҳақида батафсил сўз юритилди. Пойтахтимиздаги "Ўзбекистон" меҳмонхонасида бўлиб ўтган мазкур тадбир Ўзбекистон экологик ҳаракати, Савдо-саноат палатаси ҳамда Муқобил ёқилги ва энергия корхоналари уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

(Давоми 2-бетда).

«ТАХИАТОШ ДОН МАХСУЛОТЛАРИ»

очиқ акциядорлик жамияти жамоаси

барча юртдошларимизни
яқинлашиб келаётган

2012 йил

Мустақам оила йили
билан самимий табриклайди!

Келажаги буюк Ўзбекистонимизда истиқомат қилаётган барча аҳолининг хонадонларида тинчлик-тотувлик, фаровонлик, бахт-иқбол ҳукм сурсин. Юртдошларимизни Ватанимиз равнақи йўлида фидойилик туйғуси тарк этмасин!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ КЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАРНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТҚАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2011 ЙИЛ 10 ДЕКАБРДАН 16 ДЕКАБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилиш ва тарқатиш, қонун ҳужжатлари маълумотлари электрон базалари яратиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2011 йил 12 декабрдаги 264-мх-сонли буйруғи.
2011 йил 12 декабрда 2290-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2011 йил 22 декабрдан қучга қиради).
2. «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2011 йил 12 декабрдаги 265-мх-сонли буйруғи.
2011 йил 12 декабрда 2291-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2011 йил 22 декабрдан қучга қиради).

3. «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2011 йил 12 декабрдаги 266-мх-сонли буйруғи.
2011 йил 12 декабрда 2292-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2011 йил 22 декабрдан қучга қиради).
4. «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2011 йил 12 декабрдаги 267-мх-сонли буйруғи.
2011 йил 12 декабрда 2293-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2011 йил 22 декабрдан қучга қиради).
5. «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси адлия

вазирининг 2011 йил 12 декабрдаги 268-мх-сонли буйруғи.
2011 йил 12 декабрда 2294-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2011 йил 22 декабрдан қучга қиради).
6. «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2011 йил 12 декабрдаги 269-мх-сонли буйруғи.
2011 йил 12 декабрда 2295-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2011 йил 22 декабрдан қучга қиради).
7. «Автомобиль транспортида йўловчилар ташши билан шугулланишга лицензия олишда яқна тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланган давлат боғини қайтариш ёки хисобга қўлиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқ-

лаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг 2011 йил 30 ноябрдаги 72, 3-сонли қарори.
2011 йил 12 декабрда 1555-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2011 йил 22 декабрдан қучга қиради).
8. «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2011 йил 2 декабрдаги 74, 2011-35-сонли қарори.
2011 йил 12 декабрда 2296-сон

билан рўйхатдан ўтказилди (2011 йил 22 декабрдан қучга қиради).
9. «Ўзбекистон Республикаси Давлат боғина қўмитасининг айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Давлат боғина қўмитасининг 2011 йил 12 ноябрдаги 01-02/20-22-сонли қарори.
2011 йил 12 декабрда 2297-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2011 йил 22 декабрдан қучга қиради).
10. «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2011 йил 12 декабрдаги 273-мх-сонли буйруғи.
2011 йил 12 декабрда 2298-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2011 йил 22 декабрдан қучга қиради).
(Давоми бор).

«KOSHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
бошланғич баҳоси охиб бориш тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

I. Аукцион савдосига Шайхонтохур тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар Шайхонтохур туманлараро судининг 2011 йил 18 январдаги 1-172/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, А. Хидоятлов кўчаси, 24-уй, 2-хонадон манзилида жойлашган, умумий майдони 42,0 кв.м., фойдаланиш майдони 32,6 кв.м. бўлган 3 хонали офис, савдо ва маъшиий хизмат кўрсатиш мажмуаси такроран қўйилмоқда.
Бошланғич баҳоси — 48 676 000 сўм.

II. Аукцион савдосига Олмазор тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар Жиноят ишлари бўйича Олмазор тумани судининг 2011 йил 10 августдаги 1-496/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Широқ кўчаси, 2-уй манзилида жойлашган «MAX PROFIT INVEST» МЧЖга тегишли бўлган А-блок — Бизнес маркази, 2052,0 кв.м., Б-блок — Бизнес маркази, 291,0 кв.м., В-блок — Бизнес маркази, 100,0 кв.м.дан иборат бино ва иншоотлар такроран қўйилмоқда.
Бошланғич баҳоси — 1 426 684 553 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 9 январь кuni соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган қўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2012 йил 5 январь кuni соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KOSHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг «Ипак йўли» ОАТИБ «Сағбон» филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020800904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент ш., Олмазор тумани, 1-Корақамиш к., 1-«А» уй. Телефон: (8-371) 228-79-52.

Лицензия: RR-0001.

«Farg'ona charm polimer» МЧЖ
ўзи ишлаб чиқарган куйидаги махсулотларни сотади:

- ҳар хил турдаги курилиш линолеумлари;
- ПВХдан тайёрланган қопламалар;
- ПВХдан турли плёнкалар;
- пойабзал, чарм-аторрлик, мебель ва автомобиль учун турли сунъий чармлар.

Махсулот сертификатланган.
Манзил: Фарғона шаҳри, Химиклар кўчаси, 3-уй.
Телефон: (8-373) 222-37-91.
Факс: (8-373) 222-37-78. Моб.: (+99897) 782-25-64.
E-mail: charm_polimer@mail.ru, kazimov62@mail.ru

ТАРОЗИЛАР
0,0001 гр дан 250 тоннагача

Micros
CAS
МАССА-К

Қишқи чегир-малар

Сертификатланган + Сифат + Кафолат + Сервис

Кичик Бешёғоч к., 86 (сoб. Глинка кўчаси, олдинги шаҳар ГАИси қаршида), тел.: (998 71) 281-43-64, факс: 281-43-65;
Тўйтепа к., 5 (патент идораси), тел.: 232-06-61, 233-58-99, 233-60-07;
Беруний к., («Тинчлик» метро бекати), тел.: 120-85-85, 242-42-52, 249-39-50.
www.micros.uz; e-mail: scales@ucd.uz, micros@ucd.uz

«Росагропромснаб» МЧЖ
ГАЗ ЖИҲОЗЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ
ЭЛЕКТРОН ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ
УБСГ 001 (G4, G6, G10), АГАТ (G16, G25), ГОБОЙ-1 (G10, G25, G65)

ГОБОЙ-1 УБСГ001 АГАТ

• 5 м³/соат дан 500 м³/соат гача **БЎЛГАН ГАЗ ТАҚСИМЛАГИЧ ШНАФЛАР**
• **ЮҚОРИ, ЎРТА ВА ПАСТ БОСИМЛИ ГАЗ МЕЪЁРЛАГИЧЛАРИ**
Махсулот сертификатланган.
Т/ф.: 273-16-40, 276-90-57, 276-97-90
Манзил: Тошкент ш., Чилонзор мавзеси, «Ц» даҳаси, 6-уй.
(мулжал — «Шухрат» дукони жойлашган чорраха)

ACCENT

Кафолат — 2 йил ёки 50 000 км.

МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

HYUNDAI Official Partner
www.hyundai.com.uz
Tel. (8-371) 250-11-11

NEW THINKING. NEW POSSIBILITIES.

«МЕҲРИ САВДО» ШУЪБА КОРХОНАСИ

2012 йилнинг I чорагида куйидагиларни сотиб олиш бўйича тендер ўтказилишини эълон қилади:

сарийғ, 1-категорияли музлатилган мол гўшти.

Тендер таклифларини топшириш ва тендер ҳужжатларини олиш учун ҳар кuni соат 9.00 дан 17.00 гача куйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

100000, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ниёзбек йўли 7-тор кўчаси, 27-уй.
Тел.: (8-371) 237-14-94, 237-45-15. Факс: 237-14-92.
Тендер таклифларини қабул қилишнинг сўнгги мuddати — 2011 йил 27 декабрь соат 17.00 гача.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ректорати ва қасаба уюшмаси қўмитаси Умумий тилшунослик кафедраси доценти, филология фанлари номзоди
Абдуғани ХОЛМУРОДОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

МАҚСАД, ИШОНЧ, ҚАТЪИЯТ

муваффақиятга эришишнинг муҳим мезонидир

Муроджон Тўхтаев — 19 ёшда. Бухоро юридик ва маиший хизмат коллежини тугатган. Спортнинг қўл жанги тури билан шуғулланади. Жисмонан бақувват. Уни Бухоро тумани мудоффа ишлари бўлимида учратиш қолдиқ.

— Навбатдаги қақирувдан сўнг муддатли ҳарбий хизматга бориш ниятидаман, — дейди «Шергирон» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи бу йигит. — Мақсадим — келгусида ҳарбий хизматчи бўлиш. Армия хизматига тайёргарлигим жойида, деб ўйлайман. Ота-онам, қишлоқдошларим ишончини, албатта, оқлайман.

Муроджоннинг сўзларидан унинг ўзига бўлган ишончини пайқаш қийин эмас.

— Мен ўғлим Тўлқинжоннинг мамлакатимиз Қуролли Кучлари сафида ўз ийгилик бурчини аъло даражада ўташига ишонман, — дейди яна бир суҳбатдошимиз, «Истиқлол» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи Тўймурод Шодиев.

— «Армия — ҳаёт мактаби», деб бежиз айтишмайди. Ўғлимнинг шу ҳаёт мактабидан сабоқ олиши тарафдориман. Бу сабоқ кейинчалик унга бир умр асқотади.

Ватан ҳимояси — муқаддас бурч

Нияти — келгусида ўқиб, эл-юрт қорига ярайдиган инсон бўлиб етишиш. Ҳарбий хизматни ўташ жараёнида бу нияти қатъий мақсадга айланади, деган умиддаман.

Орамизда ана шундай фикрлайдиган ота-оналарнинг кўпчилигини кўриб, хурсанд бўласан, киши. Бундай оилаларда вояга етган фарзанд армияга тез мослашади, ҳарбий соҳа билимларини осон ўзлаштиради. Туман мудоффа ишлари бўлими ходимлари қақирув ёшидаги йигитлар-

ни муддатли ҳарбий хизмат ва сафарбарлик қақирув резерви хизматларига танлаб олишда масаланинг ана шу жиҳатларига ҳам алоҳида эътибор қаратаётдилар.

— Барча қишлоқ фуқаролар йиғинида бўлиб, ўзини ўзи бошқариш органлари раҳбарлари, маҳалла фаоллари, қишлоқ врачлик пункти шифокорлари би-

ни махсус қўшин турларига танлов асосида саралаш имконини беради. Тиббий комиссия барча зарур жиҳозлар билан таъминланган. Қақирилувчилар ва уларнинг ота-оналари учун эса қўлайликлар яратилган ҳам диққатга сазовор. Чунончи, янги қақирув пункти қурилди. У 50 кишига мўлжалланган кутиб зали, керакли тиббий жиҳозлар ҳамда мебеллар билан таъминланган кенг ва ёруғ хоналар, шунингдек, ошхона, ювиниш хоналаридан иборат. Соҳа ходимларининг эътирофи этишчи,

бу каби қўлайликлар Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонуни ижросини таъминлашда, Қуролли Кучлар сафида шижоатли, ҳар томонлама соғлом йигитларни танлаб олишда қўл келаяпти.

Истам ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Қишлоқда савдо мажмуаси

Фарғона туманининг Чимён, Миндон ва Хонқиз қишлоқлари туташган манзилда йирик савдо мажмуаси бунёд этилди.

Мазкур муҳташам иншоот «Алоқа-банк», Халқ банки, «Асака» банки ҳамда «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг 4,5 миллиард сўмлик молиявий кўмаги билан қурилди. Ҳозир бу ерда 70 дан

ортик маҳаллий саноат корхоналарининг ихтисослаштирилган дўконлари ҳамда кўплаб маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ишлаб турибди. Пештахталарга қўйилган маҳсулотлар-

Хизмат

нинг сифати ва нисбатан арзонлиги аҳолига манзур бўлмоқда.

Эътиборлиси, мажмуа иш бошлаши билан 150 кишининг доимий бандлиги таъминланди.

Н. СОБИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Sino
очик акциядорлик жамияти жамоаси

барча ватандошларимизни
яқинлашиб келаётган

2012 йил

билан самимий муборакбод этади!

Янги йил юртимизга қувонч, шодлик,
тинчлик-тотувликни янада барқарор этсин!
Тадбиркор элимизга бу йил аввалгидан-да омадли
бўлиб, унутилмас ширин
дақиқаларни насиб этсин!

Янги йилнингиз кутлуғ бўлсин!

ОБ-ҲАВО

(21 декабрь)



Корақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик бўлмайди. Туман тушади. Кечаси 14-19, кундузи 5-10 даража совуқ бўлади.

Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари. Ёгингарчилик кутилмайди. Туман тушади. Ҳарорат тунда 6-11 даража совуқ, кундузи 4 даража совуқ билан 1 даража илқ атрофида бўлади. Навоий вилоятининг шимолида эса кечаси 14-19, кундузи 5-10 даража совуқ бўлади.

Тошкент, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик кузатилмайди. Туман тушади. Кечаси 6-11 даража совуқ, кундузи 4 даража совуқ билан 1 даража илқ уртасида бўлади.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари. Ёгингарчилик бўлмайди. Туман тушади. Ҳарорат кечаси 5-10 даража совуқ, кундузи 4 даража совуқ билан 1 даража илқ атрофида бўлади.

Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик кутилмайди. Туман тушади. Тунда 6-11 даража совуқ, кундузи 4 даража совуқ билан 1 даража илқ уртасида бўлади.

Тошкент шаҳри. Ёгингарчилик кузатилмайди. Туман тушади. Ҳарорат кечаси 9-11, кундузи 4-6 даража совуқ бўлади.

«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.



XALQ BANKI

STANDARD
& POOR'S

Standard and Poor's
Халқаро рейтинг агентлиги

Ўзбекистон Республикаси
Давлат-тижорат Халқ банкнинг

узок муддатли халқаро кредит
рейтингини «В» даражасидан
бир поғонага ошириб,

«В+»

даражасида

«БАРҚАРОР»

истиқболи билан тасдиқлади.



TURIN POLYTECHNIC
UNIVERSITY
IN TASHKENT

CAD-CAM-CAE
TRAINING CENTER


«CAD/CAM/CAE» ўқув маркази «CAD/CAM» дастурларида ишловчи мутахассисларни тайёрлашни бошлади.

Ўқув курслари машинасозлик, тоғ-кон ва металлургия, нефть ва газ, архитектура ва қурилиш соҳаларининг мутахассисларини тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш учун мўлжалланган. Ўқув жараёнида

UNIGRAPHICS (NX) 8 ва AutoCAD 2012

комплекс дастурларидан фойдаланилади.

Ўқув курсини муваффақиятли
тамомлаган мутахассисларга
сертификатлар берилди.



Курс давомийлиги —
10 кун (100 академик соат).
Гуруҳлар тузилиши — 10-12 киши.

Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Кичик халқа йўли кўчаси, 17-уй. (Мўлжал — «Нукус» кинотеатри).
Телефон: (+99871) 246-80-49. Факс: (+99871) 246-60-92. E-mail: plmccadcam@gmail.com

www.polito.uz

ЦЕМЕНТ (пц400 д20) 211,0 ▲ +3,4 ЦЕМЕНТ (пц400 кд20) 184,9 ▼ -2,0 АРМАТУРА 3269,5 ▼ -398,9 ШИФЕР (1 лист) 12666 ▼ -285 АЗОТ. ФОСФОР ЎҒИТИ 370,1 ▲ +0,5 Биржа баҳолари ҳақида кўпроқ билишни истасангиз, UZEX сўзини 8383 га юборинг.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1254. 48409 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълолар 232-11-15.



Тахририятга келган қўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.
Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳфаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусахҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буёк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 04.00 Топширилди — 04.45 1 2 3 4 5